Коррупцияга қарши ички назорат бўлими мутахассиси лавозимига очиқ танлов ўтказиш тўғрисида ЭЪЛОН

Очиқлик ва шаффофлик сиёсатига мувофиқ “Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамияти ички коррупцияга қарши назорат бўлими мутахассиси лавозимига танлов эълон қилади.

Номзодларга қўйиладиган умумий талаблар:

• Юриспруденция, иқтисодиёт ёки молия соҳасида олий маълумот;

• Комплаенс, коррупцияга қарши курашиш ёки ички назорат йўналишида камида 2-йиллик иш тажрибаси;

• Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қонунчилигини билиш;

• Хавфларни таҳлил қилиш, таҳлилий материалларни тайёрлаш қобилияти;

• Ишбилармонлик одоби, махфийлик ва танқидий фикрлаш кўникмаларига эга бўлиш;

• Расмий ёзишмаларни юритиш тажрибаси;

• Ишбилармонлик мулоқоти ва музокаралар олиб боришнинг мустаҳкам кўникмалари;

• Махсус компютер дастурларидан фойдалана олиш;

• Маълумотни аниқ ва асосли тарзда етказиш қобилияти;

• Масъулиятлилик, жамоа бўлиб ишлаш қобилияти;

• Чет тилларини билиш мақсадга мувофиқ.

Малака талаблари:

• Microsoft Office (PowerPoint, Excel ва бошқалар) дастурларидан юқори даражада фойдалана олиш;

• Коррупция ҳолатларини эрта аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этиш;

• Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, коррупцияга нисбатан муросасизлик маданиятини шакллантириш;

• Коррупцияга қарши курашиш бўйича ISO 37001:2016 халқаро стандарти талабларига мос келадиган яхлит тизимни, хусусан, коррупцияга қарши курашиш тизимини жорий этиш ва такомиллаштириш;

• Коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик ўрнатиш;

• ЎзРВБ ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш орқали коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

• ЎзРВБда коррупцияга қарши курашиш бўйича профилактик тадбирларни ташкил этиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳужжатлар ижросини таъминлаш;

• Ҳисоботлар тайёрлаш, статистик ва таҳлилий маълумотларни таҳлил қилиш;

• Қонунчилик доирасида бошқа вазифаларни бажариш.

Танловда иштирок этиш шартлари:

• Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиш.

• Тўлиқ ҳужжатлар тўплами: таржимайи ҳол, паспорт ва диплом нусхалари, мавжуд бўлса – тавсифномалар.

• Танлов очиқ ва тенг ҳуқуқли асосда ўтказилади.

<u>Танлов босқичлари:</u>

1-босқич. Резюмеларни саралаш

Муддати: аризаларни қабул қилиш якунлангандан сўнг 3 иш куни давомида

• Тақдим этилган резюмеларнинг малака талабларига мослигини таҳлил қилиш.

• Иккинчи босқичга ўтган номзодлар рўйхатини тузиш.

2-босқич. Синовдан ўтказиш

Муддати: 2 иш куни ичида

• Мавзулар: коррупцияга қарши қонунчилик, этика, таҳлилий фикрлаш.

• Ўтиш бали: камида 70 фоиз.

• Синовлар офлайн шаклда ўтказилади. Вақт чекланган.

3-босқич. Якуний касбий суҳбат

Муддатлар: тест синовларидан сўнг 3 иш куни ичида

• Шакли: шахсан ёки видеоалоқа орқали.

• Иштирокчилар: Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги вакили иштирокидаги танлов ҳайъати.

• Баҳолаш мезонлари: ҳуқуқий билимлар (шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қонунчилигини билиш), таҳлилий қобилият, мулоқот кўникмалари, мотиватция.

• Натижа: рейтинг тузиш ва ишга қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

Номзодни ишга қабул қилиш (ёки рад этиш) тўғрисидаги қарорни Ҳайъат суҳбат якунлангандан сўнг кейинги иш кунида эълон қилади.

Ариза топшириш тартиби:

- Резюме ва илова ҳужжатларни info@uzrvb.uz манзилига юбориш лозим
- Аризаларни қабул қилиш муддати - 2025-йил 16 апрел куни (шу кун ҳам) гача

Қўшимча маълумотлар:

• Тест ва суҳбатдан муваффақиятли ўтган номзодларга электрон почта орқали хабар берилади.

• Барча босқичлар танлов комиссияси баённомаларида қайд этилади.

• Барча аризалар махфий тарзда кўриб чиқилади.

• Фақат талабларга тўлиқ жавоб берадиган номзодларнинг аризалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади.

Биз қуйидагиларни таклиф этамиз:

- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ расмий ишга қабул қилиниш;
- Рақобатбардош маош;
- Мартаба ўсиши ва ички назорат тизимини ривожлантиришда иштирок этиш имконияти;
- Бутун ташкилот доирасида коррупцияга қарши курашиш стратегиясини амалга оширишда қатнашиш.